

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

300 Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва ма-
териалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйи-
лишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомга
ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125-2*

(2012 йил 12 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 феврал-
даги 57-сон «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли
турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш
тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.,
5-сон, 57-модда), 2008 йил 4 мартдаги 36-сон «Маҳсулотларнинг монопол

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 10-11-сон, 60-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 23-сон, 182-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 23 июндаги 4-сонли қарори (рўйхат рақами 2125, 2010 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 30-сон, 256-модда) билан тасдиқланган Стратегик ва монополь маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимоводи савдоларига қўйишишни назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомнинг 5-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган жадваллар келгуси ой учун ташкилотлар томонидан Қўмитанинг қарори билан белгиланган ҳажмлар ҳисобга олинган ҳолда, шунингдек улар учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари томонидан белгиланган, ушбу мақсадлар учун Иқтисодиёт вазирлиги тасдиқлаган чораклар ва ойлар бўйича моддий балансларнинг бажариш жадваллари асосида Қўмита билан келишган ҳолда олдинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай тегишли тақсимлаш билан ишлаб чиқиладди ва тасдиқланади.»

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис в. б.

У. ТУРДИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 20 июнь,
7-сон